

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎСИМЛИКЛАР ГЕНЕТИК РЕСУРСЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ФАХРУТДИНОВ НУРИТДИН ЗАЙНУТДИНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ЦИТРУС ЎСИМЛИКЛАРИНИ
ИНТЕНСИВ ЕТИШТИРИШ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИНИ
ОШИРИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ**

06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of sciences (DSc)
on agricultural sciences**

Фахрутдинов Нуритдин Зайнутдинович

Ўзбекистон шароитида цитрус ўсимликларини интенсив етиштириш ва
хосилдорлигини оширишнинг илмий асослари..... 3

Фахрутдинов Нуритдин Зайнутдинович

Научные основы интенсивного выращивания цитрусовых растений и
повышения урожайности в условиях Узбекистана..... 27

Fakhrutdinov Nuritdin Zaynutdinovich

Scientific basis of intensive cultivation of citrus plants and increasing productivity
in the conditions of Uzbekistan..... 49

Эълон қилинган ишлари рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 54

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎСИМЛИКЛАР ГЕНЕТИК РЕСУРСЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ФАХРУТДИНОВ НУРИТДИН ЗАЙНУТДИНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ЦИТРУС ЎСИМЛИКЛАРИНИ
ИНТЕНСИВ ЕТИШТИРИШ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИНИ
ОШИРИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ**

06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

Кишлоқ хўжалиги фанлари доктори (Dsc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида B2023.2.DSc/Qx253 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.agrar.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Бурнев Хасан Чутбаевич
биология фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар:

Султанов Камолитдин Садритдинович
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Гулов Саидали Мамурович
биология фанлари доктори, профессор

Нормуратов Илхом Тургунович
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд агроинновациялар ва тадқиқотлар институти

Диссертация химояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил 16 август соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 700140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz. Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-кават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 551633-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 700140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 3 август 2024 йилда тарқатилди.
(2024 йил 7 июндаги №18-рақамли реестр баённомаси)



Ш.Асадов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

М.З.Холмуротов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.д., (PhD) доцент

С.А.Юнусов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Цитрус мевали ўсимликлар дунё озиқ-овқат саноатида муҳим ўрин эгаллайди. Улардан нафақат янги мевалар, балки шарбатлар, мураббо, эфир мойлари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Цитрус экинлари қурғоқчилик, иссиқлик ва баъзи зараркунандаларга нисбатан чидамли бўлиб, уларни ўзгарувчан иқлим шароитида етиштириш анча қулай ҳисобланади. Дунёда йилига 146 866 263 тонна цитрус мевалари етиштирилади. “Хитой дунёдаги энг йирик цитрус мевалари етиштириб берувчиси ҳисобланиб, йилига 38 392 847 тонна, Бразилия 19 591 623 тонна, Ҳиндистон 12 043 000 тонна етиштириб беради. Ҳосилдорлик бўйича етакчи цитрус меваларини етиштирувчи давлатлар учталигига Туркия (31,6 т/га), Бразилия (25,7 т/га) ва Хитой (14,6 т/га) давлатлари киради”¹. Бугунги кунда цитрус мевали экинларни ёпик шароитларда етиштириш технологияларини такомиллаштириш ва ҳосилдорлигини ошириш масалалари долзарб ҳисобланади.

Дунё саноатида цитрус меваларни етиштирувчи Хитой, Ҳиндистон, Бразилия, Туркия ва АҚШ каби давлатларда цитрус экинлари ассортиментини кўпайтириш, очиқ далалар учун совуққа чидамли навларни яратиш ҳамда ресурстежамкор технологиялар асосида ҳосилдорликни ошириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жорий қилинаётган замонавий технологиялар асосида цитрус ўсимликларини етиштиришда мақбул экиш схемалари, шакл бериш, тежамкор суғориш ва озиқлантириш усулларидан фойдаланиш натижасида цитрус меваларининг салмоғи йилдан йилга ортиб бормоқда.

Республикада лимон, апельсин, мандарин ва грейпфрут каби озиқабоп ва шифобахш меваларни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада очиқ майдонда ва иситилмайдиган иссиқхоналарда экспортбоп, юқори ҳосилли цитрус ўсимликларини етиштириш бўйича кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган ва муайян натижаларга эришилган. Шунингдек, цитрус ўсимликларини интенсив етиштириш ва ҳосилдорлигини ошириш бўйича замонавий тадқиқотлар етарли эмас. Ўзбекистон Республикасини 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясини 30-мақсад: қишлоқ хўжалигига оид бандида “...экспортбоп маҳсулотлар етиштириш ҳамда мевасабзавотчиликни ривожлантириш, интенсив боғлар майдонини 3 баравар ва иссиқхоналарни 2 баравар кўпайтириб, экспорт салоҳиятини яна 1 миллиард АҚШ долларига ошириш”² устувор вазифалардан бири сифатида алоҳида белгилаб қўйилган. Шу боис, ҳимояланган иншоотлар шароитида нав хилма хиллигини кенгайтириш, уларни агробиологик хусусиятларини тадқиқ этиш, кўпайтириш усуллари, интенсив етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда меваларининг биокимёвий таркибини аниқлаш бўйича бир

¹ <https://www.atlasbig.com/ru/>

² <https://lex.uz/docs/5841063>

қатор илмий ва амалий тадқиқотлар ўтказиш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 мартдаги ПҚ-3586-сон “Ўзбекистон Республикасида лимончилик соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлар тўғрисида” ги, 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сон “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги, 2020 йил 19 февралдаги ПҚ-4610-сон “Лимончилик тармоғини янада ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарорлари, 2018 йил 29 мартдаги ПФ-5388-сон “Ўзбекистон Республикасида мевасабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги фармони ҳамда ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги вазифаларни илмий жиҳатдан амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. Цитрус ўсимликлари – лимон, апельсин, мандарин ва грейпфрут каби турлари боғларини барпо қилиш имкониятини берувчи, юқори ва сифатли ҳосилдорликни таъминловчи цитрус ўсимликларини кўчатларини етиштириш бўйича жаҳоннинг етакчи илмий-тадқиқот институтлари, илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, East Malling Research Station (Буюк Британия), Horticultural Research Institute of Ontario (АҚШ), Research and Breeding Institute of Pomology Holovously Ltd. (Чехия), Institute for Fruit breeding at Dresden-Pillnitz (Германия), Бутунроссия боғдорчилик ва кўчатчилик селекцион-технологик институти ҳамда Қрим тажриба-селекцион станцияси (Россия) да олиб борилмоқда.

Тадқиқотларнинг асосий йўналишлари цитрус экинларини ёпиқ иншоотларда етиштириш технологияларини ишлаб чиқиш, уларнинг йирик мевали, серҳосил ва турли иқлим шароитларига чидамли навларини яратишга қаратилган. Шу сабабли, цитрус экинларининг маҳаллий шароитларга мос кўплаб навлари яратилган ҳамда ёпиқ шароитларда анъанавий усулларда етиштириш технологияси, кўчатларини суғориш ва озиклантириш меъёрлари, асосий касаллик ва зараркунандаларига қарши кураш чоралари ишлаб чиқилган.

Бугунги кунда цитрус экинларини ҳимояланган иншоотда ва очик майдонларда етиштириш, уларни нав хилма-хиллигини кўпайтириш, интенсив етиштириш технологиялари (мақбул экиш схемалари, тежамкор суғориш ва озиклантириш усуллари, тупларига турлича шакл бериш, стресс омилларга чидамлилигини ошириш) бўйича тадқиқотларни ривожлантириш устувор аҳамиятга эга ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Цитрус ўсимликларини

интенсив етиштириш бўйича хорижий олимлардан Spalding, Ibn al-'Awwam, Yahya, James Lind, Douglas Harper, K.L.Penniston, A.William, S.Y.Nakada, R.P.Holmes, S. Pal.P. Senthilkumaran, M.Hofrichter, D.G.Assimos, МДХ давлатларида, жумладан, Россияда: С.А.Пенёнжека, Т.И.Калмыкова, А.Д.Александров, В.В.Воронцов, Татаристонда: Л.И.Улейская, Ф.В.Садыкова, Ф.А.Фогель, Ўзбекистонда фахрий академик З.Фахриддинов, М.М.Мирзаев, селекционер М.З.Фахриддинов, Н.З.Фахриддинов, У.Э.Эшанкулов, В.И.Цулая, М.А.Арсланов, С.М.Животинская, Ю.И.Зайцев, Н.С.Поляковлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Муаллифлар томонидан цитрус ўсимликлари навларини яратиш, сифатли кўчатларни кўпайтиришнинг интенсив технологиясини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган. Цитрус ўсимликлари кўчатларини вегетатив кўпайтириш, экиш муддатлари, экиш схемалари, озиклантириш ва суғориш меъёрлари ҳамда дарахтларга шакл бериш бўйича тавсиялар берилган.

Бугунги кунда истиқболли цитрус ўсимликлари самарадорлигини ошириш, янги тур ва навларни биологик, қимматли хўжалик белгиларини ўрганиш, кўчатларини кўпайтиришнинг интенсив усулларини қўллаш, ва уларни етиштиришда энергия тежамкор самарали агротехнологияларни қўллаш бўйича илмий тадқиқот ишлари давом эттирилмоқда. Шу муносабат билан диссертация ишининг мақсад ва вазифасига кўра цитрус ўсимликларини агробиологик хусусиятларини тадқиқ қилиш, кўчатларни яшил, ёғочланган ва ярим ёғочланган қаламчалардан кўпайтириш, мақбул экиш схемалари, тежамкор суғориш ва озиклантириш, дарахтларга мос усулларда шакл бериш, меваларини биокимёвий таркибини аниқлаш, ҳимояланган иншоотлар шароитида цитрус ўсимликларини етиштиришни агротехнологик картасини ишлаб чиқиш ва иқтисодий самарадорлиги оширишга қаратилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ҚХА-9-021 “Мевали экинларнинг генофондини кафолатли сақлаш ва ундан самарали фойдаланиш мақсадида дублет коллекцияларини яратиш” (2015-2017 йй); №ҚХА-9-023 “Қишлоқ хўжалик экинлари генофондини комплекс ўрганиш асосида селекция учун янги бирламчи манбалар ажратиб олиш” (2018-2020 йй) мавзусидаги илмий-тадқиқот лойиҳалари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади: Ўзбекистон шароитида цитрус ўсимликларини интенсив етиштириш ва ҳосилдорлигини оширишнинг илмий асосларини яратиш ва ишлаб чиқаришга тадбиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

цитрус ўсимликларини морфобиологик ва хўжалик белгиларини тадқиқ қилиш;

цитрус кўчатларини кўпайтиришда интенсив усулларни қўллаш;
цитрус ўсимликларини мақбул экиш схемаларини аниқлаш;
ҳар хил суғориш усулларида цитрус ўсимликларининг сувга бўлган талабини ва сув сарфи миқдорини аниқлаш;

цитрус ўсимликлари навларини мақбул озиклантириш меъёрларини аниқлаш;

химояланган иншоотларда цитрус ўсимликларига шакл беришнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш;

химояланган иншоотларда цитрус ўсимликларини парваришлаш бўйича агротехнологик карта ишлаб чиқиш ва иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида лимоннинг (*Citrus limon*) интродукция қилинган “Мейер”, маҳаллий, экспортбоп “Ташкентский”, маҳаллий, саноатбоп “Юбилейний”, апельсинни (*Citrus sinensis*) интродукция қилинган “Гамлин”, мандаринни (*Citrus reticulata*) интродукция қилинган “Уншиу” ва грейпфрутни (*Citrus paradisi*) интродукция қилинган “Дункан” навлари хизмат қилган.

Тадқиқотнинг предмети цитрус ўсимликларини агробиологик хусусиятлари, кўчатларини сунъий туман ҳосил қилувчи қурилмаларда кўпайтириш, ўсимликларни экиш схемалари, сувга ва суғориш усулларига бўлган талаби, органик ва минерал моддалар меъёрларини ҳосилдорликка таъсири, тупларга мос шакл бериш усуллари ва меваларнинг биокимёвий таркибидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Дала ва ишлаб чиқариш тажрибаларини ўтказиш, цитрус ўсимликлари фенологик фазаларини аниқлаш, цитрус кўчатларини турли ёшдаги қаламчалардан кўпайтириш, парваришлаш ва уларни иқтисодий самарадорлигини баҳолаш Х.Ч.Буриев ва бошқаларнинг “Мевали ва резавор мевали ўсимликлар билан тажрибалар ўтказишда ҳисоблар ва фенологик кузатувлар методикаси” (2014), В.И. Полегаевнинг “Методы оценки качества плодов и овощей” методик ишланмаси (1978), Т.А. Федурконинг “Выращивание клоновых подвоев и посадочного материала плодовых и ягодных культур из зеленых черенков” тавсияномаси (1992), М.Т.Тарасенконинг “Размножение плодовых растений методом зеленого черенкования побегов” методик қўлланмаси (1969), С.А.Остроухованинг «Мевали ва резавор мевали экинлар кўчатларини етиштириш бўйича услубий кўрсатма» (1990), С.Н.Рыжовнинг “Орошение хлопчатника” (1949) тавсия ва услублар бўйича ўтказилган, тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили «Excel 2010», «Statistica 7.0 for Windows» компьютер дастурларида Б.А.Доспехов услуби бўйича ҳисобланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор цитрус дарахтларини ўсиш-ривожланиши химояланган иншоотларда мақбул ҳаво ҳарорати (20-30 °С) га ва ҳавонинг нисбий намлиги билан ўзаро корреляцион боғлиқликда ($r=0,84$) яхши

бўлганлиги исботланган;

цитрус кўчатларини интенсив кўпайтириш технологияси асосида яшил қаламчалардан кўпайтирилганда каллус ҳосил бўлиши лимоннинг “Мейер”, “Ташкентский”, “Юбилейний” навларида 8-9 кунда, апельсинни “Гамлин” навида 17 кунда, мандариннинг “Уншиу” ва грейпфрутнинг “Дункан” навларида 20-22 кунда, илдиз олиши мос равишда: 90,6-95,6 %; 33,0 %; 13,6-17,3 % бўлганлиги аниқланган;

цитрус ўсимликларини 3,0x2,0 м схемада экилганда, озикланиш майдони 6,0 м² бўлиб, ҳосилдорлик лимоннинг “Мейер” навида 32,0 т/га, “Ташкентский” навида 74,9 т/га, “Юбилейний” навида 81,6 т/га, апельсиннинг “Гамлин” навида 98,0 т/га, мандарин “Уншиу” навида 93,6 т/га, грейпфрут “Дункан” навида 116,5 т/га бўлганлиги исботланган;

турли суғориш усулларида сув сарфи ва бир тупдаги меваларнинг миқдори орасидаги корреляцион боғлиқлик регрессия тенгламаси $y = -0,0522x + 176,3$, сув сарфи ва бир тупдаги мевалар миқдори орасидаги корреляция коэффициенти $R^2 = 0,0142$ га тенг бўлиб, улар орасида кучсиз тўғри чизикли корреляцион боғлиқлик мавжуд эканлиги аниқланган;

ўғитлаш ва ҳосилдорлик ўртасидаги боғлиқликнинг регрессия тенгламаси $y = 0,7486x + 67,758$, корреляция коэффициенти $R^2 = 0,0369$ га, ўғитлаш меъёри ва бир тупдаги мевалар орасидаги боғлиқликнинг регрессия тенгламаси $y = 0,9316x + 200$, корреляция коэффициенти эса $R^2 = 0,0146$ га тенг бўлганлиги аниқланган;

цитрус дарахтларига шарсимон шакл берилганда лимоннинг “Мейер” навида (46,6 т/га), “Ташкентский” навида (80,9 т/га), “Юбилейний” навида (266,6 т/га), апельсиннинг “Гамлин” навида (110,4 т/га), мандаринни “Уншиу” навида (46,5 т/га) ва грейпфрутнинг “Дункан” навида (162,4 т/га) энг юқори ҳосилдорлик бўлганлиги исботланган;

лимоннинг юқори ҳосилли “Ташкентский” ва “Юбилейний” навлари 2015 йили ҳаммуаллифликда яратилган ва ҳимояланган иншоотлар учун парваришлаш бўйича намунавий агротехнологик карта ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон шароитида цитрус ўсимликларидан: лимоннинг “Мейер”, “Ташкентский”, “Юбилейний”, апельсиннинг “Гамлин”, мандариннинг “Уншиу” ва грейпфрутнинг “Дункан” навларини етиштиришнинг самарали эканлиги аниқланган;

лимон кўчатларини яшил қаламчалардан сунъий туман ҳосил қилувчи қурилмалар шароитида кўпайтирилганда 1 гектар махсус кўчатзор майдонидан бир вегетация даврида 1 миллион донагача сифатли кўчат етиштириш мумкинлиги илмий асосланган;

ўрганилган барча цитрус ўсимликлари навларини етиштириш учун 3,0-2,0 м схемасида жойлаштириш (туп қалинлиги 1666 дона) мақбул эканлиги аниқланган;

лимоннинг “Ташкентский” нави йиллик вегетация даври давомида 18 марта суғорилиб, эгатлаб суғорилганда 7600 м³, томчилатиб суғорилганда

3300 м³ ёки 56,6 %, ёмғирлатиб суғорилганда 5170 м³ ёки 31,9 % сув сарфи тежалганлиги исботланган;

цитрус дарахтларига шарсимон шакл беришнинг афзаллиги исботланган. Ушбу шакл бериш усулида овалсимон шакл беришга усулига нисбатан 40- 50 % кўпроқ ҳосил олиш имконияти яратилган;

цитрус ўсимликларини органик ва минерал ўғитлар меъёрлари (гўнг-30 тонна, N - 160, P - 120, K – 80 кг/га) билан озиқлантирилганда 1,0-1,5 мартагача юқори ҳосил олинганлиги аниқланган;

юқори ҳосилли лимоннинг “Ташкентский” ва “Юбилейний” навлари 2015 йили Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари Давлат Реестрига киритилган (Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат комиссиясининг 2023 йил 24-майдаги Т-6/01-10-284-сонли маълумотномаси).

химояланган иншоотда цитрус ўсимликларини парваришлаш бўйича агротехнологик картанинг лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Илмий-тадқиқот натижаларини апробация комиссиялари томонидан ҳар йили ижобий баҳоланганлиги, илмий-тадқиқотлар тўғрисидаги ҳисоботларни тегишли ташкилотлар илмий кенгашида муҳокама этилганлиги ва ижобий тақриз олинганлиги, тажриба маълумотларининг статистик таҳлилдан ўтказилганлиги, олинган илмий натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, тажриба натижаларининг халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама этилганлиги, тавсиянома ишлаб чиқилганлиги ҳамда маҳаллий ва хорижий нашрларда мақолалар чоп этилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти лимонни республикада кенг тарқалган, маҳаллий “Ташкентский” ва “Юбилейний” навлари ва цитрус ўсимликларини ҳимояланган иншоотларнинг ҳаво ҳарорати ва ҳавонинг нисбий намлиги билан ўсимликларнинг ўсиш-ривожланиши орасида ўзаро корреляцион боғлиқлик мавжудлиги, дарахтларнинг маҳсулдорлиги тур ва навларга, кўчатларини экиш схемасига, суғориш ва озиқлантиришга, шакл бериш усулларига боғлиқлиги илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти лимонни янги яратилган маҳаллий навларини Давлат реестрига киритилганлиги, агротехнологик карта ишлаб чиқилганлиги, цитрус ўсимликларини интенсив кўпайтириш усуллариини ишлаб чиқилганлиги, цитрус ўсимликларидан юқори ва сифатли ҳосил олиш усуллариини ишлаб чиқилганлиги, кўчатларини мақбул экиш схемалари танланганлиги, суғоришнинг ресурстежамкор усуллари, озиқлантиришнинг самарали меъёрлари ва шох-шаббага шакл беришнинг энг мақбул усуллари аниқланганлиги билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон шароитида цитрус ўсимликларини интенсив етиштириш ва ҳосилдорлигини оширишнинг илмий асослари бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

боғдорчилик фермер хўжаликлари учун “Ҳар бир оила – тадбиркор” Давлат дастурига асосан “Ресурстежамкор усулда лимон етиштириш технологияси” мавзусидаги тавсиянома тасдиқланган (Цитрус, субтропик ва тропик ўсимлик етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмасининг 18.12.2023-йилдаги № 136-сонли маълумотнома). Тавсиянома лимончиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида интенсив цитрус боғларини барпо қилиш ва парваришда қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

цитрус ўсимликларини ярим ёғочланган новдалардан тайёрланган қаламчалардан кўпайтириш ишланмаси Бухоро вилояти Пушки тумани “Пешку лимончилик равнақи” фермер хўжалигида 1,0 гектар, Андижон вилояти Балиқчи тумани “Тяншан лимонлари” МЧЖда 1,0 гектар майдонида жорий этилган (Цитрус, субтропик ва тропик ўсимлик етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмасининг 18.12.2023-йилдаги № 136-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида иқтисодий самарадорлик гектарига 193 % ни таъкил этган;

цитрус ўсимликларини суғориш тартиботи ва усулларини ҳосилдорликка таъсири бўйича ишланма Фарғона вилояти Бувайда тумани “Ягона замин савдо” деҳқон хўжалигида 0,3 гектар, ўсимликларга шакл бериш технологияси Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани “Сирдарё миллион лимон” МЧЖ да 0,5 гектар майдонда жорий этилган (Цитрус, субтропик ва тропик ўсимлик етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмасининг 18.12.2023-йилдаги № 136 - сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида 75-77 т/га сифатли ҳосил олинган ва 650-770 млн. сўм иқтисодий самарадорликка эришилган, рентабеллик даражаси 238 - 300 % ни таъкил этган;

қиш ойларида цитрус ўсимликларини ҳимоялаш усуллари Тошкент вилояти Бўка тумани “Агро Мега Лимонария” МЧЖ нинг 1,5 гектар майдонида жорий этилган (Цитрус, субтропик ва тропик ўсимлик етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмасининг 2023-йил 18-декабрдаги №136-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида гектар ҳисобидан 85 тонна сифатли ҳосил олинган ва гектарига 850 млн. сўм иқтисодий самарадорликка эришилган бўлиб, рентабеллик даражаси 183 % ни таъкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала тажрибалари академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институтида, Ўсимликлар генетик ресурслари илмий тадқиқот институтида таъкил этилган апробация комиссияси томонидан ҳар йили ижобий баҳоланган, тадқиқот натижалари 8 та, шу жумладан 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 25 та илмий иш, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан 5 таси республика ва 7 таси хорижий журналларда чоп этилган ҳамда 2 та тавсиянома нашр қилинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, етита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 194 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг объекти, предмети ва усуллари келтирилган. Шуниндек, олиб борилган тадқиқотларнинг илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларни жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси ва тадқиқот натижаларининг чоп этилганлиги тўғрисида маълумотлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми баён этилган.

Диссертациянинг **“Цитрус ўсимликларини интенсив етиштириш ва ҳосилдорлигини оширишнинг назарий ва амалий асослари (адабиётлар шарҳи)”** деб номланган биринчи бобида тадқиқот мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқот муассасаларининг тадқиқотчилари ва республика олимларининг ушбу мавзуга оид олиб борган илмий-тадқиқотлари натижалари ва чоп этилган адабиётлари шарҳланган. Бинобарин, цитрус (*Citrus L.*) авлодига мансуб ўсимликларни ботаник таснифи ва тарқалиши, цитрус ўсимликлари кўчатларини кўпайтириш, уларни ҳимояланган иншоотларда етиштириш технологияси, цитрус меваларини биокимёвий таркиби ва шифобахшлик хусусиятларини ўрганиш юзасидан илмий маълумотлар тавсифланган.

Диссертациянинг **“Тадқиқотни ўтказиш шароити, объекти ва услублари”** деб номланган иккинчи бобида ишлаб чиқилган тадқиқот мавзуси бўйича дала тажрибалари олиб борилган жойнинг рельефи, табиий тупроқ-иқлим шароити, объекти, тадқиқот олиб бориш услублари ва навлар таснифи юзасидан маълумотлар келтирилган.

Ушбу бобнинг **“Тадқиқотлар ўтказилган жойнинг тупроқ-иқлим шароити”** деб номланган бўлимида асосий тажрибалар олиб борилган академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг рельефи, жойнинг 2015-2017 йиллардаги табиий-иқлим шароитлари ва тупроғи бўйича маълумотлар ёритилган.

Ушбу бобнинг **“Тадқиқотлар объекти, услублари ва навлар таснифи”** бўлимида тадқиқот объектлари, ҳар бир тажрибани ўтказиш услублари, тажриба схемалари ва синовдаги цитрус ўсимликларидан лимоннинг (*Citrus limon L.*) интродукция қилинган “Мейер”, маҳаллий “Ташкентский” ва “Юбилейний” навлари, апельсинни (*Citrus sinensis*) интродукция қилинган “Гамлин” нави, мандаринни (*Citrus reticulata*) интродукция қилинган “Уншиу” нави ва грейпфрутни (*Citrus paradisi Macf*) интродукция қилинган “Дункан”

навларининг таснифи баён этилган.

Диссертациянинг “Тадқиқот натижалари. Цитрус ўсимликларини сунъий туман ҳосил қилувчи қурилмаларда кўпайтириш усуллари” деб номланган учинчи бобида цитрус ўсимликларини яшил, ярим ёғочланган ва ёғочланган қаламчалар орқали кўпайтиришни илмий асослаш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган.

Жумладан, ушбу бобнинг “Яшил қаламчалардан кўпайтириш” деб номланган бўлимида цитрус ўсимликлари кўчатларини яшил қаламчалардан кўпайтириш юзасидан олиб борилган тажриба маълумотлари келтирилган.

Сунъий туман ҳосил қилувчи қурилмалар шароитида 2015 йилдаги тажриба бўйича лимоннинг “Мейер”, “Ташкентский” навларида каллус ҳосил бўлиши 8 кунда, “Юбилейний” ва апельсинни “Гамлин” навларида 9 кунда, мандаринни “Уншиу” навида 20 кунда, грейпфрутни “Дункан” навида 22 кунда ҳосил бўлиши аниқланди. Илдиз ҳосил бўлиши лимонини “Мейер” навида 17 кунда, “Ташкентский” ва “Юбилейний” навларида 16 кунда, апельсинни “Гамлин” ва мандаринни “Уншиу” навларида бироз кечроқ 22- 25 кунда, энг кеч илдиз ҳосил бўлиши грейпфрутни “Дункан” навида 30 кунда кузатилди. Тўлиқ илдиз ҳосил бўлиши ва куртакларни ўсиши лимоннинг “Мейер” навида 19 кунда, энг кечи грейпфрутнинг “Дункан” навида 27 кунда кузатилди.

1-жадвал

Цитрус ўсимликларининг яшил қаламчаларида ризогенез фенофазаларини кечишини (академик М.Мирзаев номидаги БУВВ ИТИ, 2015-2017 йй.)

Тур ва нав	Қаламчаларнинг илдиз олиш фазалари, кун			
	каллус ҳосил бўлиши	илдиз ҳосил бўлиши	тўлиқ илдиз ҳосил бўлиши	куртакларнинг ўсиши
2015 йил				
Лимон “Мейер”	8±5,0	17±4,1	21±4,0	19±4,0
Лимон “Ташкентский”	8±2,1	16±2,2	22±3,1	20±3,2
Лимон “Юбилейний”	9±1,5	16±3,0	23±2,3	20±2,5
Апельсин “Гамлин”	9±3,0	22±3,1	34±4,2	28±3,1
Мандарин “Уншиу”	20±4,2	30±4,2	40±2,6	40±4,2
Грейпфрут “Дункан”	22±2,0	25±5,0	42±3,3	40±2,5
2016 йил				
Лимон “Мейер”	9±4,1	16±4,3	23±3,0	20±4,2
Лимон “Ташкентский”	9±2,0	17±3,0	23±3,1	22±2,0
Лимон “Юбилейний”	8±3,5	17±2,2	21±4,2	21±3,2
Апельсин “Гамлин”	13±4,0	23±3,2	35±2,2	29±2,4
Мандарин “Уншиу”	22±2,2	25±4,0	42±3,0	45±4,1
Грейпфрут “Дункан”	23±3,0	30±2,3	44±2,5	50±2,0
2017 йил				
Лимон “Мейер”	10±4	18±3	22±3	21±4,0
Лимон “Ташкентский”	10±2	19±4	21±2	21±2,2
Лимон “Юбилейний”	10±3	18±4	22±3	22±1,9
Апельсин “Гамлин”	17±4	24±5	36±2	30±4,2
Мандарин “Уншиу”	24±2	35±3	44±5	50±4,0
Грейпфрут “Дункан”	24±3	34±6	46±3	45±3,2

Ушбу бобнинг “Ярим ёғочланган қаламчалардан кўпайтириш” деб номланган бўлимида цитрус ўсимликлари кўчатларини ярим ёғочланган қаламчалардан кўпайтириш бўйича олиб борилган тажриба маълумотлари келтирилган. Цитрус ўсимликларини ярим ёғочланган қаламчаларида ризогенез фенофазаларини кечиши ўрганилган (2-жадвалга қаранг).

Сунъий туман ҳосил қилувчи қурилмалар шароитида цитрус ўсимликларининг ярим ёғочланган қаламчаларида 2015 йилдаги тажриба бўйича каллус ҳосил бўлиши лимоннинг “Мейер” навида 14 кунда (яшилда - 8), “Ташкентский” навида 13 кунда (яшилда - 8), лимонни “Юбилейний” ва апельсинни “Гамлин” навларида 15 кунда (яшилда - 9), мандаринни “Уншиу” навида 20 кунда (яшилда - 20) ва грейпфрутни “Дункан” навида 22 кунда (яшилда - 22) аниқланди. Илдиз ҳосил бўлиши лимонини “Мейер” навида 18 кунда (яшилда - 17), “Ташкентский” навида 19 кунда (яшилда - 16) ва “Юбилейний” навида 20 кунда (яшилда - 16) кузатилиб, апельсинни “Гамлин” ва мандаринни “Уншиу” навларида бироз кечроқ 30-33 кунда (яшилда – 22-30), энг кеч илдиз ҳосил бўлиши грейпфрутни “Дункан” навида 36 кунда (яшилда - 25) кузатилди.

2-жадвал

Цитрус ўсимликларининг ярим ёғочланган қаламчаларида ризогенез фенофазалари (академик М.Мирзаев номидаги БУВВ ИТИ, 2015-2017 йй.)

Тур ва нав	Қаламчаларнинг илдиз олиш фазалари, кун			
	каллус ҳосил бўлиши	илдиз ҳосил бўлиши	тўлиқ илдиз ҳосил бўлиши	куртакларнинг ўсиши
2015 йил				
Лимон “Мейер”	14±4,3	18±4,5	23±6,0	23±4,0
Лимон “Ташкентский”	13±2,7	19±5,0	24±3,2	22±2,5
Лимон “Юбилейний”	15±2,5	20±2,8	22±2,5	24±2,8
Апельсин “Гамлин”	15±3,0	30±6,0	37±4,2	38±6,1
Мандарин “Уншиу”	20±4,0	33±3,3	42±5,0	45±4,2
Грейпфрут “Дункан”	22±3,8	36±4,1	45±3,6	44±2,8
2016 йил				
Лимон “Мейер”	13±2,2	19±2,0	24±5,1	22±4,1
Лимон “Ташкентский”	15±2,4	18±1,7	23±6,0	24±2,0
Лимон “Юбилейний”	14±3,1	19±3,2	24±3,5	23±5,2
Апельсин “Гамлин”	16±3,3	29±4,0	38±3,2	39±2,4
Мандарин “Уншиу”	22±6,0	35±2,4	43±1,5	40±4,2
Грейпфрут “Дункан”	23±5,1	34±3,5	43±2,0	42±2,6
2017 йил				
Лимон “Мейер”	15±1,8	20±2,2	22±5,1	24±4,0
Лимон “Ташкентский”	14±2,3	20±5,0	22±3,2	23±5,1
Лимон “Юбилейний”	13±3,5	18±2,8	23±3,0	22±4,5
Апельсин “Гамлин”	17±5,1	31±3,0	39±4,3	40±3,2
Мандарин “Уншиу”	24±3,4	37±4,3	44±3,5	50±2,3
Грейпфрут “Дункан”	24±4,0	36±3,2	44±6,4	46±4,3

Тўлиқ илдиз ҳосил бўлиши ва куртакларни ўсиши лимоннинг “Мейер” навида 23 кунда (яшилда - 21), энг кеч илдиз ҳосил бўлиши грейпфрутнинг

“Дункан” навида 45 кунда (яшилда - 42) кузатилди.

Ушбу бобнинг “Ёғочланган қаламчалардан кўпайтириш” деб номланган бўлимида цитрус ўсимликларини ёғочланган қаламчалар орқали кўпайтиришни ўрганиш юзасидан олиб борилган тажриба маълумотлари келтирилган.

Сунъий туман ҳосил қилувчи қурилмаларда цитрус ўсимликларининг ёғочланган қаламчаларида 2015 йилдаги тажриба бўйича каллус ҳосил бўлиши лимоннинг “Мейер” навида 16 кунда (8;14), “Ташкентский” навида 18 кунда (8;13), “Юбилейний” навида 28 кунда (9;15), апельсинни “Гамлин” навида 28 кунда (9;15), мандаринни “Уншиу” навида 30 кунда (20;20), грейпфрутни “Дункан” навида 22 кунда (22;22) ҳосил бўлиши аниқланди. Энг эрта илдиз ҳосил бўлиши лимонини “Мейер” навида 23 кунда (17;18), “Ташкентский” навида 24 кунда (16;19), “Юбилейний” навида 36 кунда (16;20), апельсинни “Гамлин” навида 30 кунда (22;30), мандаринни “Уншиу” навида бироз кечроқ 34 кунда (30;33) ва грейпфрутни “Дункан” навида 25 кунда (25;36) кузатилди. Энг эрта тўлиқ илдиз ҳосил бўлиши ва куртакларни ўсиши лимоннинг “Мейер” навида 30 кунда (21;23), энг кеч илдиз ҳосил бўлиши грейпфрутнинг “Дункан” навида 42 кунда (42;45) тўлиқ шаклланиши аниқланди. (3-жадвалга қаранг).

3-жадвал

Цитрус ўсимликларининг ёғочланган қаламчаларида ризогенез фенофазаларини кечиши (академик М.Мирзаев номидаги БУВВ ИТИ, 2015-2017 йй.)

Тур ва нав	Қаламчаларнинг илдиз олиш фазалари, кун			
	каллус ҳосил бўлиши	илдиз ҳосил бўлиши	тўлиқ илдиз ҳосил бўлиши	куртакларни ўсиши
2015 йил				
Лимон “Мейер”	16 ± 2,0	23 ± 2,1	30 ± 3,0	22 ± 3,2
Лимон “Ташкентский”	18 ± 2,2	24 ± 3,1	32 ± 2,2	23 ± 2,5
Лимон “Юбилейний”	28 ± 3,1	36 ± 2,4	41 ± 3,1	24 ± 5,0
Апельсин “Гамлин”	28 ± 4,2	30 ± 3,6	40 ± 6,3	22 ± 6,3
Мандарин “Уншиу”	30 ± 3,0	34 ± 1,1	40 ± 5,2	22 ± 2,2
Грейпфрут “Дункан”	22 ± 4,2	25 ± 4,0	42 ± 4,0	24 ± 3,1
2016 йил				
Лимон “Мейер”	18 ± 3,1	24 ± 2,1	32 ± 3,2	21 ± 3,0
Лимон “Ташкентский”	18 ± 4,3	23 ± 3,4	30 ± 2,5	22 ± 2,1
Лимон “Юбилейний”	29 ± 2,4	37 ± 6,1	42 ± 4,1	25 ± 3,2
Апельсин “Гамлин”	30 ± 3,0	35 ± 5,2	45 ± 2,3	23 ± 6,1
Мандарин “Уншиу”	32 ± 2,6	35 ± 4,1	42 ± 5,0	23 ± 2,0
Грейпфрут “Дункан”	23 ± 1,3	30 ± 2,2	40 ± 2,1	25 ± 4,2
2017 йил				
Лимон “Мейер”	20 ± 2,0	25 ± 3,0	34 ± 3,1	23 ± 3,2
Лимон “Ташкентский”	20 ± 3,1	25 ± 5,1	34 ± 2,2	21 ± 6,0
Лимон “Юбилейний”	30 ± 4,0	38 ± 3,2	43 ± 3,3	26 ± 2,2
Апельсин “Гамлин”	32 ± 2,2	40 ± 6,0	50 ± 5,2	24 ± 5,0
Мандарин “Уншиу”	34 ± 5,5	36 ± 3,2	44 ± 6,0	24 ± 1,5
Грейпфрут “Дункан”	24 ± 6,3	35 ± 2,0	46 ± 2,3	26 ± 4,2

Диссертациянинг “**Ҳимояланган иншоотларда цитрус ўсимликларининг агробиологик хусусиятлари**” деб номланган тўртинчи бобидан бошлаб цитрус ўсимликларини ҳимояланган иншоотларда етиштириш шароитини тадқиқ қилиш, ўсиш ва ривожланиш давомийлиги, мевасини етилиши ва механик таркиби ҳамда ҳимояланган иншоотларда цитрус ўсимликларини ҳосилдорлигини аниқлаш бўйича олиб борилган тажриба натижалари берилган.

Ушбу бобнинг “Ҳимояланган иншоотларда цитрус ўсимликларини етиштириш шароити” деб номланган бўлимида ҳимояланган иншоотда ҳаво ва тупроқ ҳарорати (20 см қатламда) ҳамда ҳавонинг нисбий намлиги цитрус ўсимликларининг ўсиб - ривожланиши учун жуда қулай бўлиши аниқланди. Тупроқнинг ҳарорати 20 см қатламда апрел ойининг биринчи декадасида эрталаб 12,1 °С ни, иккинчи декадасида 16,6 °С ва ойнинг охирида 17,0 °С ни, куннинг иккинчи ярмида 19,5 °С; 20,2 °С; 19,9 °С бўлган бўлса, кечки соат 18:00 да ушбу кўрсаткичлар 18,0 °С; 22,5 °С; 21,8 °С бўлганлиги кузатилди. Май ва июнь ойларида тупроқ ҳарорати 20 см қатламда апрель ойидагига нисбатан юқорилашиб борди ва июль ойига келиб максимал (24,7 °С; 34,5 °С; 34,8 °С) даражага етди. Август ойининг учинчи декадасига келиб, эрталаб 23,4 °С, куннинг иккинчи ярмида 28,2 °С ва кечки вақтга бориб 27,9 °С ни, сентябр ва октябр ойларида ҳаво ҳарорати янада пасайиб ўртача 14,2-17,5 °С ни ташкил этганлиги аниқланди.

Ушбу бобнинг “Цитрус ўсимликларининг ўсиш ва ривожланиш давомийлиги” деб номланган бўлимида ўсимликларда фенологик ўсиш ва ривожланиш фазаларини кечиши биринчи навбатда, ўсимликларнинг турига, навига ва ҳаво ҳароратига ҳам узвий боғлиқ эканлиги аниқланди. Ўсимликларни шохланиш фазаси лимоннинг “Мейер”, “Ташкентский” ва “Юбилейний” навлари минимум +20 °С да 5-20 февраль санасида 10 %, 10 кундан сўнг эса 75% шохланиш кузатилди. Апельсинда эса 15-мартда 10 % шохланиш бошланиб, 5-апрелда 75 % шохлангани кузатилди, мандаринни “Уншиу” навида эса 20-март ва 15-апрель саналарида, грейпфрутнинг “Дункан” навида шохланиш 20-мартда 10 % ва 20-апрелда 75 % гача шохланиш аниқланди.

Цитрус ўсимликларини гуллаш фазалари лимонни барча навларида ҳаво ҳарорати +20 °С бўлганда 1-15-мартда 10 %, 15 кун ўтгач эса 75 %, апельсинни “Гамлин” навида гуллаш 1-апрелда 10 %, 15 кундан сўнг 75 %, мандаринни “Уншиу” ва грейпфрутни “Дункан навларида 10-апрелда 10 %, 10 кундан кейин 75 % қисми гуллагани аниқланди. Ривожланиш фенофазалари ҳаво ҳарорати +20 °С бўлган шароитга нисбатан +30 °С бўлганда 10-15 кун эртароқ бошланиши кузатилди.

Цитрус ўсимликларини мева тугиши лимонни “Мейер”, “Ташкентский” ва “Юбилейний” навларида ҳаво ҳарорати +20 °С бўлганда 15- март, 15 – апрель саналарида бошланиб, тўлиқ мева тугиши эса 1-15 июнь, апелсиннинг “Гамлин” навида 10-майдан 10-июнгача, мандаринни “Уншиу” навида 1-майдан 1-июн оралиғида ва грейпфрутни “Дункан” навида 1-июндан 5-июл санасига тўғри келганлиги аниқланди. Ҳаво ҳарорати +30 °С бўлганда цитрус ўсимликларининг

генератив органларни шакллантириш жараёни ҳаво ҳарорати +20 °С шароитга нисбатан 10-15 кун илгари бошланиши кузатилди.

Ушбу бобнинг “Цитрус ўсимликларининг мевасини етилиши ва механик таркиби” деб номланган бўлимида цитрус ўсимликларида навларнинг физиологик, биологик ва қимматли хўжалик белгиларига боғлиқ равишда улардаги мева, пўстлоқ вазни, мевадаги уруғлар сони, таъми ва пишиш муддатлари тулича бўлиши аниқланди. Мева вазни лимонни “Мейер” навида - 80 г, “Ташкентский” навида - 180 г., “Юбилейний” навида - 700 г., апельсинни “Гамлин” навида - 380 г., мандаринни “Уншиу” навида - 70 г. ва грейпфрутни “Дункан” навида - 1900 г. эканлиги аниқланди. Шуниндек, пўстлоқ улуши “Мейер” навида 15 % ни, “Ташкентский” навида 18,4 % ни, “Юбилейний” навида 20,3 % ни, апельсинни “Гамлин” навида 24,3 % ни, мандаринни “Уншиу” навида 25,7 % ни ва грейпфрутни “Дункан” навида 21 % ни ташкил этди. Меваларидаги уруғлар сони таҳлил қилинганда лимонни “Мейер” навида 3,5 донани, “Ташкентский” навида 4,0 донани, лимонни “Юбилейний” ва апельсинни “Гамлин” навларида 10,0 донани ташкил этган бўлса, мандаринни “Уншиу” навида 7,5 дона ва грейпфрутни “Дункан” навида 23,0 дона эканлиги аниқланди.

Диссертациянинг **“Ҳимояланган иншоотларда цитрус ўсимликларини интенсиф етиштириш технологияси”** деб номланган бешинчи бобида цитрус ўсимликлари кўчатларини ҳимояланган иншоотларда экиш схемалари, суғориш тартиботи ва усуллари, озиклантириш тизими, шакл бериш технологияси ва ташқи омиллардан ҳимоялашни илмий асослаш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари ҳамда цитрус ўсимликларида энг кўп учрайлиган касаллик ва ҳашоротлар тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Ушбу бобнинг “Цитрус ўсимликлари кўчатларини экиш схемалари” деб номланган бўлимида ҳимояланган иншоотларда цитрус ўсимликларидан юқори, сифатли ҳосил етиштиришда уларни зич (3,0x2,0 м) схемада экиш самарали эканлиги аниқланган. Бунда лимонни “Мейер” навида - 32,0 т/га, “Ташкентский” навида - 74,9 т/га, “Юбилейний” навида - 100,6 т/га, апельсинни Гамлин навида - 98,0 т/га, мандаринни Уншиу навида - 93,6 т/га ва грейпфрутни Дункан навида - 116,5 т/га сифатли ҳосил етиштириш исботланган. Шуниндек, ўртача ҳосилдорлик ананавий 3,0x3,0 м схемада экилганга нисбатан лимонни “Мейер” навида - 158,4 %, “Ташкентский” навида - 114,0 %, “Юбилейний” навида - 132,7 %, апельсинни “Гамлин” навида - 204,4 %, мандаринни “Уншиу” навида - 228,2 % ва грейпфрутни “Дункан” навида - 142,0 % га ортгани аниқланган.

Шуниндек, ушбу бобнинг “Цитрус ўсимликларини суғориш тартиботи ва усулларини ҳосилдорликка таъсири” деб номланган бўлимида цитрус ўсимликларини суғориш тартиботи ва усуллари таҳлил қилинган.

Цитрус ўсимликларини ёмғирлатиб суғориш усули анча самарали усул бўлиб ўсимлик чанг, шира, ҳашоротлар ва касалликлардан тозаланади ва уларда ассимиляция жараёнини жадаллашади. Ёмғирлатиб суғоришда ҳаво намлиги ортиши ҳисобига ҳаво ҳарорати бирмунча пасаяди, намлик ортади ва

ушбу муҳит цитрус ўсимликлари учун мос келиши ҳисобига ҳосилдорликни ошишига ва сифатли ҳосил етиштиришга замин яратади.

Тадқиқотлар давомида цитрус ўсимликлари эгатлаб суғорилганда ҳар бир суғориш амалиёти учун ўртача 400 м³/га сув сарфланиши ҳисобига тупроқ намлиги лимон ўсимлиги учун меъёрий 70-80 % ни ташкил этган бўлса тажрибадаги суғоришнинг тежамкор, томчиллатиб суғориш усулида ҳар бир суғориш амалиётида сув сарфи 1,6 баробар иқтисод қилиниб жами 250 м³/га ни ташкил этди, тупроқ намлиги эса меъёрга нисбатан икки баробар камайиб жами 60-70 % ташкил этди. Шуниндек тажрибадаги, ҳимояланган иншоотларда қўлланиладиган ёмғирлатиб суғориш тажрибасида эса сув сарфи назоратга нисбатан 1,4 баробарга иқтисод қилиниб, яъни 275 м³/га сув сарфланган бўлишига қарамай тупроқ намлиги лимон ўсимлиги учун меъёрий кўрсаткични, яъни 60-70 % ни ташкил этди.

Кузатувлар давомида лимонни “Мейер” навида эгатлаб суғориш усулида ҳар бир тупидан ўртача 130 дона, “Ташкентский” навида 125 дона ва “Юбилейний” навида ўртача 228 донагача мева олинган бўлса, апельсинни “Гамлин” навида 160 дона, мандаринни “Уншиу” навида 189 дона ва Грейпфрут “Дункан” навида 65 донагача мева шакллангани аниқланди.


4-жадвал

Турли суғориш усулларидаги сувни сарфи ва уларни цитрус ўсимликлари ҳосилдорлигига таъсири, 2018-2020 йй.


Сув сарфи, м ³ /га	Тур ва навлар номи	Тупроқ намлиги, %	Бир тупдаги меваларнинг		
			сони, дона	1 дона мевасини вазни, г	ўртача вазни, кг
<i>Эгатлаб суғориш (назорат)</i>					
400	<i>Лимон “Мейер”</i>	70-80	130±10	80±9.0	10,4
	<i>Лимон “Ташкентский”</i>		125±9.0	150±10	18,7
	<i>Лимон “Юбилейний”</i>		228±12	320±28	72,9
	<i>Апельсин “Гамлин”</i>		160±15	300±25	48,0
	<i>Мандарин “Уншиу”</i>		189±12	80±6.0	15,1
	<i>Грейпфрут “Дункан”</i>		65±13	1100±30	71,5
<i>Томчиллатиб суғориш</i>					
250	<i>Лимон “Мейер”</i>	60-70	145±15	100±5.0	14,5
	<i>Лимон “Ташкентский”</i>		150±13	200±15	30,0
	<i>Лимон “Юбилейний”</i>		238±10	300±25	71,4
	<i>Апельсин “Гамлин”</i>		180±18	265±17	47,7
	<i>Мандарин “Уншиу”</i>		200±22	70±7.0	14,0
	<i>Грейпфрут “Дункан”</i>		50±8.0	1200±35	60,0
<i>Ёмғирлатиб суғориш</i>					
275	<i>Лимон “Мейер”</i>	60-70	160±8.0	100±10	16,0
	<i>Лимон “Ташкентский”</i>		160±9.0	220±12	35,2
	<i>Лимон “Юбилейний”</i>		150±10	800±20	120,0
	<i>Апельсин “Гамлин”</i>		190±14	350±14	66,5
	<i>Мандарин “Уншиу”</i>		300±20	100±12	30,0
	<i>Грейпфрут “Дункан”</i>		80±7.0	1500±45	120,0

Турли суғориш усулларидаги сув сарфи ва бир тупдаги меваларнинг миқдори орасидаги корреляцион боғлиқлик таҳлил этилганда, регрессия тенгламаси $y = -0,0522x + 176,3$ кўринишда бўлиши аниқланди. (1-расмга қаранг).

Сув сарфи ва бир дона меванинг ўртача вазни орасидаги боғлиқлик таҳлил этилганда, регрессия тенгламаси $y = -0,0188x + 53,355$ кўринишда бўлиб, корреляция коэффициентининг $R^2 = 0,0059$ ни ташкил этди. Корреляция коэффициентининг ушбу қиймати сув сарфи ва бир дона меванинг ўртача вазни орасида тўғри чизиқли корреляцион боғлиқлик мавжуд эмаслигини аниқлатади. (2-расмга қаранг)



1-расм. Сув сарфи ва бир тупдаги мевалар сони орасидаги боғлиқлик.



2-расм. Сув сарфи ва меваларнинг ўртача вазни орасидаги боғлиқлик.

Шуниндек, ушбу бобнинг “Ўрганилаётган цитрус ўсимликлари навларини озиклантириш тизими” деб номланган бўлимида цитрус ўсимликларининг органик ва минерал ўғитларга ўта таъсирчанг эканлиги аниқланган. Уларни юқори меъёрларда органик ва минерал моддалар (гўнг- 30 т/га, N – 160 кг/га, P – 120 кг/га, K – 80 кг/га) билан ўғитланганда мева сони лимонни “Мейер” навида 225 дона, вазни 100 г, апельсинни “Гамлин” навида 150 дона, вазни 160 г; мандаринни “Уншиу” навида 380 дона, вазни 95 г ва грейпфрутни “Дункан” навида 82 дона, ўртача вазни 1440 г бўлган, ҳосилдорлик лимонни “Мейер” навида 37,4 т/га, “Ташкентский” навида 68,1 т/га, “Юбилейний” навида 134,1 т/га, апельсинни “Гамлин” навида 65,0 т/га, мандаринни “Уншиу” навида 60,2 т/га ва грейпфрутни “Дункан” навида 196,7 т/га бўлганлиги, назоратга нисбатан 13,4-45,1 т/га ошгани аниқланган.

Шуниндек, ушбу бобнинг “Ўсимликларга шакл бериш технологиясини тадқиқ қилиш” деб номланган бўлимида ҳимояланган иншоотларда цитрус ўсимликлари учун энг самарали ва мос шакл бериш усули ишлаб чиқилган. Уларга шарсимон усулда шакл бериш орқали лимон навларида – 46,6 т/га дан – 266,6 т/га гача, апельсинда – 110,4 т/га гача, мандаринда – 46,5 т/га гача ва грейпфрут ўсимлигида - 162,4 т/га гача сифатли ҳосил етиштириш аниқланган.

Шуниндек, ушбу бобнинг “Цитрус ўсимликларини ташқи омилларнинг зарарли таъсиридан ҳимоялаш усуллари” деб номланган бўлимида лимоннинг “Мейер” нави баргларида сув танқислигининг мавсумий динамикаси ўрганилган бўлиб, бунда энг юқори кўрсаткич 13:00 вақтда ўлчанганда ўртача 11,4 %, кечки соат 19:00 вақтда ўлчанганда ўртача 6,2 % га тенг бўлиши аниқланган.


Шуниндек, ушбу бобнинг “Цитрус ўсимликларининг касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиги” деб номланган бўлимида ҳимояланган иншоотлар шароитида цитрус ўсимликларида цитрус яшил бити (*Aphis citricola* Goot.), миналовчи пашша (*Lizocolletis corylifoliella* H.w.), цитрус оққаноти (*Dialeurodes citri* Ashm) каби зараркунандалар билан зарарланиши аниқланган.

Диссертациянинг **“Цитрус меваларини биокимёвий таркиби”** деб номланган олтинчи бобида цитрус меваларини биокимёвий таркибини ўрганиш юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган. Жумладан, ушбу бобнинг “Лимон меваларни биокимёвий таркиби” деб номланган бўлимида лимон навлари меваларини, ушбу бобнинг “Апельсин, мандарин ва грейпфрут меваларни биокимёвий таркиби” деб номланган бўлимида турли цитрус ўсимликлари меваларининг биокимёвий таркиби таҳлил қилинган.

Ҳимояланган иншоотлар шароитида етиштирилган лимонни “Мейер” нави мевалари таркибидаги шакар миқдори 0,9 %, “Ташкентский” навида 2,0 %, “Юбилейний” навида 1,9 %, апельсинни “Гамлин” навида 4,8 %, мандаринни “Уншиу” навида 7,3 % ва грейпфрутни “Дункан” навида 7,4 % бўлгани аниқланди.

Шуниндек, ҳимояланган иншоотлар шароитида етиштирилган цитрус мевалари таркибидаги кислота миқдори ҳам таҳлил қилинди. Бунда лимоннинг “Мейер” нави мевалари таркибидаги кислота миқдори 2,8 %, “Ташкентский” навида 3,9 %, “Юбилейний” навида 7,4 %, апельсинни “Гамлин” навида 1,3 %, грейпфрутнинг “Дункан” навида 1,3 % бўлгани аниқланди.

мандаринни “Уншиу” навида 0,4 % ва грейпфрутни “Дункан” навида 2,4 % бўлиши аниқланган.



3-расм. Лимонни “Ташкентский” нави мевасининг биокимёвий таркиби.

